
Дилафрузхон Аҳмадхоновага медаль учун 1 сантиметр етмади

Паралимия ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган риштонлик спортчи Дилафрузхон Аҳмадхонованинг Токиода 4-ўринни қўлга киритди.

Бироз аввал аёллар ўртасида F35 классида ядро улоқтириш бўйича финал баҳслари якунланди.

Унда иштирок этган ҳамюртимиз Дилафрузхон Аҳмадхонова 8.59 метр натижа билан 4-ўринни эгаллади. Афсуски, спортчимизга бронза медалини қўлга киритиш учун бор йўғи 1 см камлик қилди. 3-ўринни эгаллаган чехиялик спортчи Анна Люксова 8.60 метр натижа кўрсатди.

Айтиш керакки, Аҳмадхонованинг бугунги натижаси ўзининг шахсий рекорди сифатида қайд этилди.

Эслатиб ўтамиз, Дилафрузхон Аҳмадхонова Рио-2016да 6-ўринни эгаллаган эди.

2021-09-02 07:15:04